Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил “ 6 ” мартдаги
№ 177 –сонли қарорига 1-илова

**Тошкент вилояти Бекобод туманида 2017 йил пахта ҳосилини етиштириш ва шартнома мажбуриятларини бажаришда йўл қўйилган камчиликлар ва уларни келгусида бартараф этиш чора-тадбирлари**
**ДАСТУРИ**

| № | Йўл қўйилган камчиликлар ва мавжуд муаммолар | Бартараф этиш тадбирлари ва таклифлар | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | **1. Фермер хўжаликларининг фаолиятини такомиллаштириш ва ер майдонларини мақбуллаштириш** | | | |
| 1. | Тумандаги 4 та сектор раҳбарлари томонидан етарли даражада назорат ўрнатилмаганлиги, мутасадди идоралар раҳбарларининг ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида шартномавий режа 74,1 фоизга бажарилган ёки 9357,7 тоннага кам пахта топширилиши натижасида 17,8 млрд.сўм даромад олинмай қолган.<br>Таҳлил қилинганда, туман ҳокими секторида 110 та (2053,6 тонна), туман прокурори секторида 106 та (2498,0 тонна), туман ички ишлар бўлими бошлиғи секторида 168 та (4052 тонна), туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи секторида 40 та фермер хўжаликлари томонидан 753,8 тонна пахта хом ашёси етказиб берилмаган. | 1. 2017 йилда пахта ҳосилини етиштириш бўйича контрактация шартномаларини бажармаган, ер майдонидан самарасиз ва мақсадсиз фойдаланган, зарар билан чиққан фермер хўжаликлари раҳбарларининг ҳисоботини Халқ депутатлари туман Кенгашида эшитиб, келтирилган зарарни ихтиёрий қоплаш, қопланмаган қисмини мажбурий ундириш, ер-ижара шартномасини бекор қилиб, туман ҳокимлиги заҳирасига олиш;<br>2. Туман ҳокимлиги заҳирасидаги ер участкаларига эгалик қилишга талабгорларни ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, белгиланган тартибда, ер ижара шартномаларини тузишни ташкил этиш;<br>3. 2018 йил ҳосили учун ғалла, пахта ва бошқа экинлар экиш ва етиштириш бўйича экинларни адолатли жойлаштирилган режаларини тақдим этиш ва ўз фаолиятларини юритиш учун барча шарт-шароитлар яратиб бериш. | 2018 йил март<br><br>2018 йил март<br><br>2018 йил март | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Республика фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқадан фойдаланувчилар Кенгаши, “Ергеодездавкадастр” қўмитаси, Тошкент вилоят ҳокимлиги, вилоят Қишлоқ ва Сув хўжалиги бошқармалари. Бекобод туман ҳокимлиги |

| № | Йўл қўйилган камчиликлар ва мавжуд муаммолар | Бартараф этиш тадбирлари ва таклифлар | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| 2. | Тумандаги 130 тафермер хўжаликларининг моддий-техника базасининг пастлиги сабабли 2998,6 гектар майдонда 4736,9 тонна, шундан туман ҳокими секторида 23 та фермер хўжалигининг 485,8 гектар майдонида 778,6 тонна, туман прокурори секторида 39 та фермер хўжалигининг 907,6 гектар майдонида 1410,0 тонна, туман ИИБ бошлиғи секторида 58 та фермер хўжалигининг 1344,8 гектар майдонида 2163,0 тонна, туман ДСИ бошлиғи секторида 11 та фермер хўжалигининг 260,4 гектар майдонида 385,3 тонна пахта ҳосили етиштирилмаган. | Фермер хўжаликларининг молиявий ва иқтисодий ҳолати ночор бўлганлиги, моддий-техника базаси яратилмаганлиги сабабли ушбу фермер хўжаликларини мақбуллаштириш чараларини кўриш бўйича таклиф тайёрлаш;<br>Лойиҳалар бўйича белгиланган тартибда ошкоралик ва адолат меъзонлари асосида тендерларни ўтказиб, ҳақиқий ер эгасини танлаб, ерларни топшириш. | 2018 йил декабр | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Тошкент вилоят ҳокимлиги, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши, вилоят Қишлоқ ва Сув хўжалиги бошқармалари, Бекобод туман ҳокимлиги |
| **2. Агротехник тадбирларни ўтказиш ва ташкил этиш борасида** | | | | |
| 3. | 2017 йилнинг июль ва август ойларида ўртача ҳаво ҳароратининг 45-46 даражага кўтарилиши, Далварзин каналининг 36,0 км қисми қўшни Тожикистон Республикаси ҳудудидан ўтадиган чегара ортида жойлашганлиги, ушбу ҳудудларни ўз вақтида сув билан таъминлашда муаммолар юзага келганлиги сабабли аксарият майдонларда ғўзанинг ҳосил элементлари тўкилиши кузатилиб, Ойбек ва Навбаҳор СИУ ҳудидидаги лотокларнинг бузилиши 1475 гектар пахта майдонида 1372 тонна ҳосил кам олинган;<br>куз-қиш мавсумида Сирдарёда сув кўтарилиши натижасида сизот сувлари кўтарилиши туман ҳокими секторида 320 гектар майдонда (404 тонна) туман прокурори секторида 630 гектар майдонда (579 тонна) ва туман ДСИ бошлиғи секторида 300 гектар майдонда (251 тонна), жами 1234 тонна (3,4%) пахта ҳосили йўқотилган. | 1. Туманда 1250 гектар ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 2018 йилда жами 190 км зовурларни, шундан 38 км хўжликлараро ва 152 км ички зовурларни тозалаш.<br>2. Ойбек СИУ ҳудудида 300 метр ва Навбаҳор СИУ ҳудудида 200 метр лоток ариқларини реконструкция қилиш.<br>3. Фермер хўжаликлари кесимида 2018 йил ҳосили учун мелиоратив ва агротехник тадбирларни ўз муддатида ва сифатли ўтказиш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш ва бажарилишини доимий назорат қилиш. | 2018 йил мавсуми давомида<br><br>2018 йил мавсуми давомида | Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Тошкент вилоят ҳокимлиги, вилоят Қишлоқ ва Сув хўжалиги бошқармалари, вилоят ғўза уруғчилиги бирлашмаси, Бекобод туман ҳокимлиги |

| № | Йўл қўйилган камчиликлар ва мавжуд муаммолар | Бартараф этиш тадбирлари ва таклифлар | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| 4. | Туман ҳокими секторида 350 гектар экин ер майдонларини сув билан таъминлайдиган Навбаҳор насос станцияси орқали сув чиқариладиган "Машканал"нинг 3,6 км қисми қўшни Тожикистон Республикаси ҳудудида қолиб кетганлиги сабабли сув таъминоти оғирлиги, шунингдек СИУ балансидаги 36 та ва фермер хўжаликлари балансидаги 64 та насос агрегатлари босимли қувурлари яроқсиз ҳолга келганлиги, керакли эҳтиёт қисмлар бўлмаганлиги ҳисобига 650 гектар майдон сув билан яхши таъминланмаганлиги сабабли 568 тонна, шундан ИИБ бошлиғи секторида (376 тонна), туман ҳокими секторида (192 тонна) ҳосил етиштирилмаган. | Навбаҳор ҳудудидаги 350 гектар ер майдонини сув билан таъминлайдиган Тожикистон Республикаси ҳудуди чегараси ҳудудида ичида бўлган "Машканал" нинг 3,6 км қисмини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ўтказиш чораларини кўриш.<br>СИУ балансидаги 36 та ва фермер хўжаликлари балансидаги 64 та ички насосларнинг босимли қувурларини янгилаш ва уларни керакли эҳтиёт қисмлари билан таъминлаш ҳисобига 650 гектар майдоннинг сув таъминотини яхшилаш. | 2018 йил давомида | Сув хўжалиги вазирлиги, Марказий банк, Тошкент вилояти ҳокимлиги, Бекобод туман ҳокимлиги |
| **3. Фермер хўжаликларининг техника таъминотини яхшилаш, янги замонавий техникалар харид қилиш, мавжуд техникалардан самарали фойдаланиш масалалари бўйича** | | | | |
| 5. | Тумандаги юқори унумли ҳайдов тракторларидан 30 донаси эскирганлиги сабабли чигит экиладиган майдонларни шудгорлаш ишлари муддатдан кечиктириб, сифатсиз ва саёз ўтказилганлиги, 83 дона чопиқ тракторлари ва 83 дона культиваторлар етишмаслиги натижасида ғўза қатор ораларига ишлов беришда камчиликларга йўл қўйилганлиги, чигит экишга ер тайёрлашда 26 дона ер текислагичлар ва 7 дона чигит экиш сеялкалари етишмаслиги, оқибатида 1446,9 тонна пахта ҳосили йўқотилган | 1. Тумандаги МТП ва фермер хўжаликлари балансида мавжуд техникаларни қайта хатловдан ўтказиш, эскирган техникаларни ҳисобдан чиқариш;<br>2. Туманга янги 30 та ҳайдов тракторлари ва 30 та омоч сотиб олиш учун маблағлар манбаларини аниқлаш ва сотиб олиш;<br>3. Экиш мавсумини қисқа муддатда сифатли ўтказиш учун жами 74 та (6 та қўшқатор ва 68 та 60см схемали) чигит экиш сеялкаларини сотиб олиш учун маблағ манбаларини аниқлаш ва жойларга етказиш;<br>Фермер хўжаликларида техника таъминотини яхшилаш мақсадида 83 та чопиқ трактори ва культиватор сотиб олиш | 2018 йил март<br>2018 йил давомида<br>2018 йил март<br>2018 йил май | "Ўздавтехназорат" инспекцияси, Тошкент вилояти ҳокимлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк ва тижорат банклари, "Ўзагролизинг" АЖ, Бекобод туман ҳокимлиги |

| № | Йўл қўйилган камчиликлар ва мавжуд муаммолар | Бартараф этиш тадбирлари ва таклифлар | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | | учун талаб этиладиган маблағлар манбаларини аниқлаш ва фермер хўжаликларига етказиб бериш;<br>Чигит экишдан олдин далани текислаш учун 26 дона ер текислагичлар сотиб олиш учун талаб этиладиган маблағлар манбаларини аниқлаш ва фермер хўжаликларига етказиб бериш. | 2018 йил март | |
| **4. Фермер хўжаликларининг молиявий ҳолатини яхшилаш ва ҳисоб-китоб масалалари бўйича** | | | | |
| 6. | Тумандаги 130 нафар фермер хўжаликлари молиявий ва иқтисодий ночор ҳолатда бўлганлиги, моддий-техника базасининг йўқлиги сабабли 2998,6 гектар майдонда 4736,8 тонна (13,1%), шундан туман ҳокими секторида 23 та фермер хўжалигининг 485,8 гектар майдонида 778,6 тонна, туман прокурори секторида 39 та фермер хўжалигининг 907,6 гектар майдонида 1410,0 тонна, туман ИИБ бошлиғи секторида 58 та фермер хўжалигининг 1344,8 гектар майдонида 2163,0 тонна, туман ДСИ бошлиғи секторида 11 та фермер хўжалигининг 260,4 гектар майдонида 385,3 тонна пахта ҳосили етиштирилмаган | Шартномалар тузилиши, фермер хўжаликларига хизматлар кўрсатилиши ва маҳсулот етказиб бериш ҳамда мавжуд қарздорликларни камайтириш мақсадида:<br>фермерлар кесимида “Сарф-харажатлар ва хисоб-китоб мониторинги” ҳамда “Агротехник тадбирларни бажариш технологик картаси”ни электрон онлайн тизимини жорий этиш орқали “Мониторинг маркази” фаолиятини янада такомиллаштириш.<br>ҳар бир ҳудуднинг алоҳида контурлар кесимида табиий шароити, тупроқнинг механик таркиби, балл бонитети ва рельефи бўйича ерни табақалаштириш (“паспортизация”)ни ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ этиш. | 2018 йил 1-чорак<br>2018 йил 1-чорак<br>2018 йил декабрь | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги |
| 7. | “Агробанк” АТБ Бекобод филиали томонидан мижози бўлган 625 та пахта етиштирувчи фермер хўжаликларига 2017 йил ҳосили учун меъёр бўйича ажратиладиган 26,4 млрд. сўм имтиёзли кредитдан 500 млн. сўм (1,9%) маблағ ажратилмаган. | Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг давлат хариди ва қишлоқ хўжалигини техника билан жиҳозлашни мақсадли молиялаштириш Жамғармаси ҳар бир фермер хўжаликларига меъёрлар асосида маблағларни ажратилишини доимий | 2018 йил март | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникация- ларини ривожлантириш |

| № | Йўл қўйилган камчиликлар ва мавжуд муаммолар | Бартараф этиш тадбирлари ва таклифлар | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | Ушбу ажратилмаган маблағлар ўтказилган мониторинг натижасига кўра пахта ҳолати ривождан орқада қолган ва қониқарсиз майдонлар ҳиссасига тўғри келади.<br>Бундан ташқари 23 та фермер хўжаликлари томонидан олдиндан келаётган 249 млн. сўм имтиёзли кредитдан бўлган қарздорликлари қайтарилмаган. | назорат қилиш тизимини қайтадан кўриб чиқиб, “огоҳлантирувчи тизим”да такомиллаштириш чоралари белгилаш.<br>“Огоҳлантирувчи тизим”да имтиёзли кредит ажратилиши ва қарзларни бартараф этилиши орқада қолаётган ҳолатларни махсус СМС хабарлар каби маълумотлар билан масъул раҳбар-ходимларнинг мобил алоқа воситасига келиб тушишини жорий этиш. | | вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг давлат хариди ва қишлоқ хўжалигини техника билан жиҳозлашни мақсадли молиялаштириш жамғармаси, Марказий банк |
| **2018 йилда қишлоқ хўжалигида амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар** | | | | |
| 8. | 2018 йилда фермер хўжаликлари томонидан экин майдонларидан ташқаридаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерларда енгил конструкцияли ва кам харажатли дала шийпонлари ҳамда иссиқхоналар қуриш, парранда, соғин сигир ҳамда асалари боқишни ташкил этиш;<br>2018 йилда фермер хўжаликлари томонидан пахта ва ғалла экинлари экиладиган ер майдонлари контурларининг дала четларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш;<br>2018 йилда бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларга такрорий экинларни жойлаштириш. | 75 та фермер хўжаликлари томонидан енгил конструкцияли дала шийпонлари куриш, 100 та фермер хўжаликлари томонидан 1,00 гектар ер майдонида камида 1 сотихли арзон иссиқхоналар қуриш, ҳар бир фермер хўжалигида 50 бошдан парранда боқиш, бир бошдан соғин сигир сақлаш, 5 қутидан асалари боқиш;<br>Туман бўйича пахта ва ғалла экинлари экиладиган 28650 гектар майдоннинг 9039 п.км. дала четларида сабзавот, картошка, дуккакли ва бошқа экинлар экишни ташкил этиш;<br>Туманда 2018 йил бошоқли дон экинларидан бўшаган 14500 гектар майдонда такрорий экинлар жойлаштириш. Жумладан, 3098 гектар сабзавот, 483 гектар картошка, 8608 гектар дуккакли экинлар, 200 гектар соя, 60 гектар полиз, 120 гектар шоли ва 1932 гектар бошқа экинларни экишни ташкил этиш. | 2018 йил мобайнида | Тошкент вилояти ҳокимлиги, Бекобод туман ҳокимлиги, туман қишлоқ хўжалиги бўлими, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман Кенгаши, фермер хўжаликлари раҳбарлари |

| № | Йўл қўйилган камчиликлар ва мавжуд муаммолар | Бартараф этиш тадбирлари ва таклифлар | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| 9. | 2018 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришни қайта кўриб чиқиш | Туман ҳокими бошчилигида ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан фермер хўжаликларининг ягона рўйхати, ғалла, пахта ва бошқа экинларни оқилона жойлаштириш ва ер балл банитети, ернинг мелиоратив ҳолати ва сув билан таъминланиш даражаси қараб ҳосилдорликни белгилаш. | 2018 йил март | Бекобод туман ҳокимлиги |
| 10. | Тумандаги мавжуд ер майдонларини қайтадан тўлиқ хатловдан ўтказиш | Туманда фаолият юритиб келаётган барча йўналишлардаги фермер, агрофирма, МЧЖ ва ёрдамчи хўжаликларга ижарага берилган ер майдонларини хатловдан ўтказиш | 2018 йил март | Бекобод туман ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими |
| 11. | Туманда 2018 йил ҳосили учун белгиланган агротехник тадбирларни ўтказиш учун захиралар яратиш | Нефт махсулотлари, уруғлик, минерал ўғит, биомаҳсулотлар, кимёвий препаратлар захираларини яратиш | 2018 йил март | Тайёрловчи, таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар |
| 12. | Тумандаги сув ва техника таъминоти оғир бўлган ҳудудлар ва фермер хўжаликларига маъсул вакиллар бириктириш | Сув таъминоти оғир бўлган 150 та фермер ва ёрдамчи хўжаликларига туман ирригация бўлими мутахассисларидан масъуллар бириктириш<br>Техника таъминоти оғир бўлган Ғалаба, Бобур, Хос, Ўзбекистон, Ойбек ва бошқа худудлардаги фермер хўжаликларига, туман МТП дан масъул вакиллар бириктириш. | 2018 йил март | Бекобод туман сув хўжалиги бўлими, Туман ирригация тармоқлари бўлими |
| 13. | Тумандаги ҳар бир фермер хўжаликларига рахбарлари ўзига ишчи, сувчи, механизаторлар олиш ва иш ҳақи билан таъминлаш. | Тумандаги ҳар бир фермер хўжаликлари ҳар бир гектар пахта майдонига 1 тадан, ҳар 5 гектар ғалла майдонига 1 тадан ишчи олиш ва иш ҳақи билан таъминлаш. | 2018 йил март | Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман кенгаши |